

1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИКА
БОШЛАГАН



Тасшас

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМХУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 37 — 38

(2574—2575)

1993 ЙИЛ
14 МАЙ
ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

2-БЕТ.
ЖИГАРИСТОНДАГИ
ЯНА БИР
ФОЖИА.
* * *
БУКИРНИ ГҮР
ТУЗАТАДИ...

ИЧКИ ИШЛАР вазирлигига Улуг
Ватан урушида эришилган
галибанинг 48 йиллигига
багишланган тантана бўлиб ўтди.
Унга урушда қатнашган ички ишлар
идораларининг собиқ ходимлари
таклиф этилди.

Фахрийларга совгалар
топширилди ва байрам дастурхони
тузуди.

Байрам дастурхони атрофида
йигитларни ички ишлар вазири
муовини, ички хизмат полковниги
Р. Ҳайдаров вазир, вазирлик ҳайъати
ва ўзномидан байрам билан кутлади.

Йигитларни шунингдек,
ёшлар номидан вазирлик ходими ми-
лия катта лейтенанти М. Эсонов
муборакбод этиди.

Сўзга чиқкан истеъфодаги
генерал-лейтенант Б. Сирожиддинов
ва истеъфодаги полковник Г.
Матюшинлар уларга

Карийб тўрт йил давом
этган уруш фронтиларидаги
самарқандликлар ҳам
фашист босқинчиларга
қарши мардана жанг
қилилар, улар орасида ички
ишлар идораларининг
ходимлари ҳам бор эди.
Уларнинг ҳаммаси ҳам қонли
жанглардан омон қайтгани
йўқ. Тирик қолганлар
ҳаққоний иш учун жонини
аямаганларнинг хотирасини
эъзозламоқда. Самарқандлик
фаҳрийлар ҳурмат-эътибор
билан ардоқланмоқда.

Суратда: Самарқанд
вилоят ҳокимлиги ИИБ
бошлиғи милиция генерал-
майори Т. Тўхтаев бир гурӯҳ
Улуг Ватан уруши
фаҳрийлари билан.

В. ТИМЧЕНКО олган сурат.

БУГУНГИ СОНДА:

3-БЕТ.
МАТОНАТЛИ КИШИЛАР.
Тошкент шаҳар ИИБда тезкор
ҳаракат қилувчи полк ташкил
этилмоқда.

7-БЕТ.
ОТАСИНИНГ
қотили.
8-БЕТ.
«ЮРАК
ЧИЛТОРИДАН
ЧАҚНАЙДИ
ЧАҚИН».

БАЙРАМ САДОЛАРИ

кўрсатилаетган ғамхўрликлардан
мамнун эканлигини билдиришиб,
уруш хотиралари ва бугунги кунда
амалга ошираётган ишлари хусусида
тўхтаби ўтилар.

Фахрийлар шу кунларга етиб
келишолмаган сафдошларини бир
дақиқалик сукунат билан
хотиралаши.

Мехмонларга ИИВ Ички
қўшинлар бошқармаси бадий
дастаси аъзолари ва бошқа
санъаткорлар хизмат қилишди.

И. САИДОВ.

Тошкент шаҳар ИИБда
утказилган байрам тантанасига
ташириф буюрган уруш
қатнашчилари — собиқ милиция
ходимлари ўтган жангу жадалларни,

машакқатли кунларни эслаб ўтиши.
Йигилиш иштирокчилари

Республика Президентига
ташаккурнома ўйласса қарор
килдилар. Фахрийлар унда ўз
миннатдорчиларини билдириш
билан бирга, ижтимоий, иқтисодий

ва снёсий масалаларда
Ўзбекистонда тутилаётган ўйлни
қўллаб-куватлашларини таъқидлаб
 ўтиши.

А. ХАЛИЛОВ.

БУХОРО вилояти ИИБда ҳам
худди шундай байрам шодиёналари
булиб ўтди. Бу ерда ички ишлар
идораларида хизмат қилиб кетган
уруш иштирокчилари меҳмонга
чакирилди.

Фахрийларни ИИБ бошлиғи,

БУХОРО вилояти ИИБда ҳам
худди шундай байрам шодиёналари
булиб ўтди. Бу ерда ички ишлар
идораларида хизмат қилиб кетган
уруш иштирокчилари меҳмонга
чакирилди.

С. НОРМУРОДОВ.

Мехмонларга 10 минг сўмдан
пул мукофотлари ва эсадлик
соввалари топширилди. ИИБ
қошида тузилган “Адолат”
дастаси ўзларининг дилрабо куй
ва қўшиқлари билан
йигитларни хушнуд этиди.

Ш. Қўлдошев.

Мехмонларга 10 минг сўмдан
пул мукофотлари ва эсадлик
соввалари топширилди. ИИБ
қошида тузилган “Адолат”
дастаси ўзларининг дилрабо куй
ва қўшиқлари билан
йигитларни хушнуд этиди.



ИККИ ЖУМА ОРАЛИГИДА

ТАРБИЯЧИННИГ ЖИНОЯТИ

Бухоро шаҳар “Октябрь 40 йиллиги” кўчасидан соат 18 ларда ўтиб кетаётган
пайдо ёшгина бир аёл уни кўркитиб, кўлидаги сумкасини тортиб олиб
кетди. Сумка ичда 2 минг сўм пул бўлган. Милиция ходимларининг
тезкорли билан кўрган чоралари натижасида босқинчи аёл кўлга олинди.
Энг ачинарлиси шундаки, жиноятчи аёл тарбияни экан. Бевосита ўйлани
қоласан, тарбиячининг ўзи жиноят содир этса, у тарбиялаётган ёшлардан
келажакда нима ҳам кутиш мумкин?

МЕЛИСАХОНАДА ҲАМ ҮГРИЛИК

Бухоро тумани ички ишлар бўлими паспорт столидаги паспорт ёзуви
булиб ишловчи О. Шерованинг иш жойидаги сумкасидан 13 минг сўм пулни
тадбиркорли тифайли, бироқ, жиноятчи узоқча кетолмади. Милиция ходимларининг
тадбиркорли тифайли, бироқ, жиноятчи содир этган Галаосине шахрида яшовчи
18 ёшли қиз Д. тезда аникланиб, ички ишлар бўлимига олиб келинганда, у
ўз қиммишидан пушаймон бўлди.

ЕЧИНТИРДИ

Вобкент шаҳар Улугбек кўчасида яшовчи Т.Б. ҳали ёш бўлишига
қарамасдан жиноят кўчасига кириб кетди. Якинда у Чирчик шахрида ҳарбий
хизматни ўтаетган, таътилга ўза она қишлоғига келган У. Ходовни кўркитиб,
оғидаги туфлисини ечиб олди. Бу ҳам етмагандек, Вобкент шаҳар марказий
қасалхонасида Бухоро қишлоқ ҳўжалик техники талабаси Ш. Эргашевнинг устидаги “адидас” спорт костюмини ҳам куч ишлатиб ениб
олди. Энди эса у бу зўравонлиги учун конун олдида жавоб беради.

БЕКОРЧИЛИК ОҚИБАТИДА

Гиждувон шаҳар Калинин кўчасида яшовчи мұқаддам судланган,
фойдали меҳнат билан шугулланмай юрган М. Пўлатов Гиждувон шаҳар
Совет кўчасида яшовчи, ёш бўлишига қарамасдан ишламай юрган

Б. Зарипов билан ўзаро жанжаллашиб қолиши. Инсонийликни йўкотган
Пўлатов Зариповнинг қорнига пичоқ урди. Натижада жабрланувчи Зарипов
огир тан жароҳати олиб касалхонага тушди.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ТУФАЙЛИ

Бухоро шаҳар 2533-автобаза хайдовчиси Т. Эшпўлатов бошқараетган
“ПАЗ-672” белгили автобус Жондор тумани Охунбобов иомли жамоа
хўжалиги худудида қарама-карши томондан келаётган трактор билан
тўқнашиб кетди. Окибатда автобусдаги йўловчилардан Х. Ниёзова вафот
этди, М. Марупов, С. Ҳайтова, С. Шариповлар ҳар хил жароҳат олиб
касалхонага тушдилар.

ТУБАНЛИК

Вобкент тумани марказий касалхонаси ички касалликлар бўлими
хамширлари М. Отаеванинг 500 сўм турадиган рўмоли, У. Давлатованинг
70 сўм пули, Ф. Азимованинг 1000 сўмлик нарсалари иш жойидан ўтираб
кетиди. Буни қарангти, бу жиноятни ҳам аёл киши, “Зарафшон” жамоа
хўжалигига яшовчи У. содир эттан экан.

ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ.

Бухоро шаҳрида яшовчи Г. Рахмонованинг ўйидан ўй ёшиги
синдирилиб, телевизори ва бошқа буюмлари ўтиранган эди. Лекин
жиноятчи бу буюмларни эгасига қайтаришига мажбур бўлди. Милиция
ходимлари шу шахарлик, кеч каерда ишламай юрган М. С. ли ушладилар. У
ўз қиммишини бўйинга олди.

ЁҒҲАЗМ БЎЛМАДИ

• Когон шаҳрида яшовчи нафакаҳур М. Равшанованинг омборхонаси эши
ги кулфини бузиб, 80 килограмм пахта ёғи ўтираб кетиди. Милиция ходимларининг
тезкор кидирив иши олиб боришлари натижасида, пахта ёғи ўтирилар, Когон шаҳри фуқаролари Т.ва А. ёғи ҳазм килмасларидан кўлга
тушдилар.

Шуҳрат Қўлдошев,

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гурӯҳи ходими,
милиция майори.

ШУ СОНГА ХАБАР

ҚОТИЛЛАР УШЛАНДИ

Эрта тонгда жиринглаган телефон дастагини олар экан,
навбатчи худди сезгандек, ташвиши хабар олди. Телефон
қилаётган киши бир номаълум одамни ўлдириб кетиши
ганлигини хабар қилди.

Навбатчи ички ишлар бўлими
бошлиги Т. Сөатов, сўнгра бошқа
раҳбарларни воқеадан хабардор
қилиб, тезкор гурӯҳ ходимларини
жиноят содир этилган жойга
юборди. Гурӯҳ ходимлари билан у
ерга туман прокурори А. Ионобоев ва ИИБ бошлиги ҳам
етиб бордилар. Орадан уч соат
ўтгач, ўлдирилган кишининг
шахси аниқланди. Энди бу
жиноятни содир қилган кишини
аниқлаш керак.

Бошлиқ хузуридаги йигилиш
кўпга чўзилмади, ҳамма ўзига
тегишили вазифани олиб,
бажариш учун бирин-кетин
чикиб кетди.

Икки соат вақт ўтгач,
ўлдирилган одам билан бирга
ҳамтовоқ бўлиб, кўча-кўйда
гоҳида фуқароларнинг ўйида
елланиб ишлаб юрувчи
шериклари аниқланди. ЖҚБ
ходими Х. Миралимов
бошлилигидаги участка вакиллари
уларни қидиришга кирищилар.
Биринчи куни натижада бўлмади.

Эртасига кечки пайт барча
бўлинмалар иштироқида
дарёнинг чап қирғоги текширилаётганда участка
вакиллари Ш. Назарбеков,
Б. Алиев ва Т. Аулбековлар
томонидан қотиллика гумон
қилинаётган Н. исмли шахс қўлга
олинди ва ички ишлар бўлимига
олиб келинди.

Жиноят-қидирив бўлинмаси
бошлиги Жилкайдаров хонасида
дастлабки сўрек бошланди. Бир
ярим соат ўтгандан кейин фуқаро
Н. қилган жиноятини бўйнига
олди ва уни ким билан
қилганлигини ҳам сўзлаб берди.
Орадан кўп ўтмай милиция
капитани Х. Миралимов иккинчи
қотил ҳам ушланганлигини хабар
қилди.

Терговда қотилликнинг сабаби
бир аёлга ва ичкиликбозликка
бориб тақалаётгани маълум
бўлди.

Т. РАСУЛТОЕВ,
Бўстонлиқ тумани ИИБ бошлигининг
шахсий таркиб билан ишлаш бўйича
муовини, милиция майори.

Жазони ўтаб, озодликдан маҳрум этиши жойлашириш масаласи ҳеч қачон осон ҳал қилинмаган. Ваҳоланки, нафақат милиция ходимлари, балки бутун жамият ҳам уни ҳал этишдан фоятда манбаатдор.

Шу маънода олганда Тошкент вилоятидаги Чирчиқ шаҳри давлат ташкилотларининг иш тажрибаси муайян қизиғиши ўйғотади. Бу ерда шаҳар ҳокимлиги, меҳнат биржаси ҳалол ишлашга аҳд қилган киши ғоятда қисқа муддат ичидаги шундай имкониятга эга бўлиши учун ҳамма ишни қилмоқда.

Шаҳар ИИБ тақліфига биноан ҳокимлик шаҳар корхоналаридаги иш жойларининг етти фоизини ижтимоний ҳимояга муҳтоҷ бўлган кишилар учун

акратиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарор иловасида у ёки бу корхонага жойлашириш зарур бўлган армия хизматини ўтаб келганлар, ногиронлар, ёлғиз оналар, озодликдан маҳрум этиши жойлашириш қайтган кишилар миқдори бевосита кўрсатилган. Шаҳар ҳокимлигининг меҳнат бўлимни мудири, илгари милицияда ишлаган Сайд Ақбаралиев ана шу қарорни амала оширишни борасада катта иш олиб бормоқда. Ҳокимликнинг қарори ҳар бир

корхона ва ташкилот раҳбарига юборилди, уни бажармаган

тақдирда қандай жазо чоралари кўрилиши тушунтирилди.

Биржа ишга жойлаширишнинг эмас, балки ишга жойлашган кишининг жамоада ўрнашиб қолиш жараёнини ҳам назорат қиласди. Ижтимоний ҳимоя нозираи ҳар уч ойда бир маротаба биржа томонидан юборилган кишилар ишлами керак бўлган корхоналарнинг кадрлар бўлимида бўлади.

Шуниси характерлики, ишга қабул

қилишдан бўйин товлаш ҳоллари

амалда бўлмаяти. Тўгри, авваллари бир неча маротаба шундай бўлган эди. Бундай ҳолларда корхона раҳбарига Чирчиқ ҳокимининг биринчи ўринбосари имзо чеккан расмий огоҳлантириш қозои юборилади. Агар у таъсир қиласа, шаҳар меҳнат биржаси бир ходимнинг бир йиллик ўртаси иш ҳақини биржа ҳисобига ўтказиш тўғрисида инкаса топширигини юборади. (Агар ушбу қарор бажарилмаса,

205¹ моддасига мувофиқ корхона раҳбарининг ўзига уч ойлик маши миқдоригача жарима солиниши мумкинligini kўplik bilamaydi). 1992 йилда 100 дан ортиқ, мазкур йилда 20 дан зиёд киши ишга жойлаширилди.

Фикримча, Чирчиқда амалга оширилган бу ишлар барча даражадаги ички ишлар идораларининг профилактика хизмати раҳбарларини қизиқтирса керак.

А. БРАЙЛОВСКИЙ,
Узбекистон Республикаси ИИБ
ПХБ катта нозира, милиция
майори.

ЖИГАРИСТОНДАГИ ЯНА БИР ФОЖИА

Икки йилдан сал аввал — 1991 йилнинг 4 майи эрталаб сахарда бу кишилекда рўй берган фожиа Ўзбекистонга ҳамда бутун дунёга бир зумда тарқалиб, одамларнинг қалбини ларзага соглан эди. Олои тоги тизмаси сафидаги кир этагидаги қўргон қариндош-жигарлар қабристонига айланди.

Ўзбекистон

раҳбарияти гамхўрлиги билан бир йил ўтмай ҳалок бўлганлар оиласарининг ҳаммаси учун Янги Жигаристон кишилоги бино этилиб, уйлар текинга қуриб берилган эди.

Яқинда бу ерда яна бир кўнгилсиз воқеа юз бердик, кўпни кўрган кишилар ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолиши.



...25 апрель якшанба тонг саҳарда Ангрен шаҳар милиция бўлимига бир аёл қўнгироқ килиб, Жигаристон кишилодига дорихона олдида ит гажиб ташлаган одам ётганини, яна бир одам эса ит билан олишаётганини айтиб, тезроқ етиб келишларини сўрайди.

Навбатчи, милиция капитани Жўра Мингбоев тезкор гурухини автоматлар билан куроллантириб, зудлик билан воқеа рўй берган жойга отлантириди.

Орадан 20 дакиқалар чамаси ўтганда гурух милиционер-ҳайдовчи Олим Ирискулов бошқараётган машинада воқеа содир бўлган жойга етиб келади.

Қарашса, бир одам

қимирламай ётибди, иккичини эса ит билан олишайти. Гурух раҳбари—жиноят қидирив бўлинмаси катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Эркин Усмонов вояга етмаганилар билан ишлаш инспекцияси нозира, милиция лейтенанти Абдулсаттор Турсуновни ёрдамга шоширади-да, ит билан олишаётган кишига: "Итни қўйиб юбориб, четга қочнинг!" — деб хитоб қиласди. Йигит ўзини четга олади. Ит қочади. Эркин билан Абдулсаттор қочаётган маҳлуқини автомот билан отиб ўйқитадилар. Бориб қарашса ит эмас... бўри экан.

Аҳоли билан сўхбат пайтида шу нарса аниқ бўлди, 70 ёшли Шарафуддин ота Мирзаевдорихона ёнда жойлашган кўхна масжидда намоз ўқиш мақсадида эрта саҳар кўчага чиқади. Кўшинининг ўйни олдига етганда унга панжара орқасида писиб ётган бўри

ташланади. Қарилкими, ёки беҳосдан қилинган ҳужумдан талвасага тушив қолганими, Шарафуддин ота бўранинг тагида қиласди.

...Шу кўчанинг 21-хонадонида истиқомат килувчи, илгари шу маҳалла қўймаси ранси ҳам бўлган 5 фарзандини онаси, 15 неваранинг бувиси Холиса опа Соҳибгареванинг қулогига киммингидир инграгани, кучиз ёрдамга чақиришни ўшитти. Аввал уйқусиравтам деган гумон билан ёттибор бермади. Лекин ўша товуш яна қайтalandi. Аксига ўғли ҳам Тошкентга кетган, биргина келини ва набиралари ўйда. Нима қилини керак? Киминидир тунаб, пичоқлаб кетишганга ўхшайди, деган

хаёл билан келинини ўйғотди ва болаларга қарашни ўқтириб, ўзи кўчага отиди. Яқин бориб қараса, кўйи ўртасида бир одам ётибди, ҳаётлиги хириллаб нафас олишидан билиниб турнибди, лекин танаси қонга беланганди. Ён атроғига назар солса, њеч ким ўйқ. Кўркиб, энди нима қилиш кераклигини ўлаётганида бир йигит ўтиб қолди. Холиса опа унга тўхташни илтимос қилди ва ерда ўтган одамни кўрсатди. Йигит: "Агар унни кимидир ўлдириб кетган бўлса, мен бир балога дучор бўлиб қоламан", — деб иккиланди. Холиса опа: "Ўғлим, "мен сенини танимадим, аммо мени танисанг керак-а. Нима гап бўлса ҳам мен ўзим жавобини бераман, лекин илтимос, кетиб қолма, ёрдам берайлик", — деб хитоб қиласди. (Кейин маълум бўлишина, йигит қўшни — Шахтер кўчасининг 2-берк кўчаси,

1947 йилда туғилган Николай Григорьев турли жиноятлар содир этгани учун ҳар хил муддатларга қамалган бўлиб, жазосини ўтаб кайттанидан сўнг ҳам ўз одатини ташлаши хаёлига ҳам келтиримади. Ёч қаерда ишламасдан одамларнинг хизматини қилиб, кун кечира бошлади. Шундай бўлгандан кейин ўзидан маълум, яшаш жойи ҳам тайин эмас.

Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас, деганларидек, унга бирорлар ҳақига хўйнат қилиши, ўғрилик содир этиши њеч ганден туюлди. Жиноятта кўл уриш максадида Паркент туманига ташриф буюрди. Коракалпок кўргони Восточная кўчасидан ўтиб борар экан, 25-йада ташки кулф осигурик турганини кўриб қолди. Уйга якинлашиб, бирор кимса бор ёки йўқлигини аниқлаш учун деразаларни чертиб кўрди. Уйда ќеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб дарвоза устидан ошиб ўтди.

корасини кўраётган эди.

— Бироз чида, болам, ҳозир ёрдам келади, — деб дадла берди опа. Шу пайт милиция тезкор гурухи этиб келди.

Ўша пайтда Иzzatullohning хаёлидан нима ўтган билмаймизу, пекин "02" навбатчи автоулови ҳаёдовчиси, 12-автобаза ҳаёдовчининг айтишича, Иzzatulloh 100 килодан ортиқ келадиган бўранини милиционер талабидан сўнг боши узра даст кўтариб, ерга улоқтиради, ўзини ўнглаб олишга улгурмаган бўранини милиционерлар беш метр чамаси нарига қочмасданоқ, автомотлардан отиб ўлдиришиади.

Воқеа тафсилотлари ўрганинганди, маълум бўлинича, фожиадан бир неча соат илгари — 25 апрелга ўтар кечаси ўша бўри яна уч кишини ва бир нечта маҳалла итларини тишилаган экан.

Мен, салкам бир соатлик бақир-чакирни (тоғ яқинда бўлганни учун товуш баланд чиқиниши ҳисобга олиб) кўни-кўшиниларнинг эшитмаганларига ишонгим келмади. Буни лоқайдлик, бошқалар тақдирни билан қизиқмаслик деймизми...

Бўри тишиланг ўша одамлар масъулнинг сезиб тез ёрдамини, милиционни хабардор қилишганда, балки, Шарафуддин ота ҳаётдан кўз юммаган бўлармидилар. Бунинг устига бир кун аввал бўранини кишилоқ оддига тоғ бағрида мол бақаётган чўпонлар ҳам кўришган, лекин молларга тажовуз бўлмагани боин индашмаган экан.

Бўрни бу ерга қаердан келиб

қолди? Мақсади нима эди? Бу саволлар кўпларини кўйнамоқда. Чингиз Айтматовнинг бўри қасида ҳақидаги асарини ўқиган бўлсангиз керак. Балки бу воқеада унинг ҳам болаларини кимидир олган бўлса, қидириб келдимикнинг Холиса опа ерда талвасалаб ётган Шарафуддин отага энгашиб қараганида индамаган бўри, нега энди Иzzatulloh, ундан аввал бошқа эркакларга ташланди, уларни тишилади! Балки қачонлардир бўрига киши жабр етказанди?

Оғир, кутилмаган ҳолатда ўзини йўқотмаган Иzzatulloh Байнаевни шу кунги қаҳрамон деб ётироф этгинг келди. Яралари тез битиб, оиласига ўайтсиз. Нимагадир њеч қаерда ишламайди деб маълумот бердиши. Балки, энди бу ҳолат қаҳрамонга ярамаслигини сезиб, ўзига мос бир ишнинг, касбнинг эгаси бўлиб, халқ хизматига отланар!

Холиса опа Соҳибгараева эса шу саҳар эркаклар чўйиган ишни бир ўзи қила олди. Шерорак экан опа Ишқибли 5 фарзанди, 15 невараси баҳтига кўп йиллар омон бўлсинлар!

Суратларда:Холиса опа Соҳибгараева; И. Байнаев.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби
ижтимоний-хуқуқий ҳимоялаши бўлими бошлиги, милиция подполковники.
Суратларни милиция майори III. РЎЗИМБОЕВ олган.

БУКИРНИ ГЎР ТУЗАТАДИ...

Кейинчалик аниқланишича, Н. Григорьев 1964 йилда РСФСР ЖМнинг 89-моддаси, 2-кисми, 114-моддасининг 2-кисми ва 88-моддасининг 1-кисми билан жиноят ўғриларни тортилган. 1970 йилда эса Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 114-моддаси 2-кисми, 1974 йилда РСФСР ЖМнинг 183-моддаси 1-кисми билан, 210 ва 89-моддасининг 3-кисми билан жиноят ўғриларни тортилган. 1988 йил 13 апрелда Тошкент шаҳар ҳалқ суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 126-моддаси 2-кисми билан судланиб "Хавфли жиноятчи" деб топилган.

А. АБДУЛЛАҲАҚИМОВ,
Паркент туман ИИБ бошлиги ўринбосари, милиция майори.

ХАЛҚНИНГ КҮНГЛИ КОЛМАСИН

Яқында ички ишлар хизматчиларини шаҳодатлаш, яғни аттестациядан ўтказышга киришдик. Бунинг олдида барча ҳудудларда милиция участка вакиллари қишлоқ ва құрғон Кенгашларда халқ вакиллари олдида қисоболтар беріб, кенг халқ оммасы билан учрашув ўтказдилар. Яңы хизматчилар халқа таништирилди.

Жиноятчиликка қарши кенг миқесли курашни ташкил қилишнинг янги йүлларини излаб топиш учун одамлар билан маслахатлашилди. Күнгилли халқ күмакчиларини ташкил қилиш, маҳаллалар, турар-жойларда жамоаттарынин сақлаш ва халқ мулки ўғирланишининг олдини олиш учун тунлари күнгилли ташкил қилиш ишлар келишиб олинди. Ҳозирги кунда туман ҳудудининг деярли 80-90 фоиз ахоли яшайдиган қисмиде шундай ишлар ташкил қилинди. Бунинг натижасыда шу ўтган иккى ой давомида шахсий мулк ўғирлилари илгаригига нисбатан кескин камайды. Бу халқ билан биргаликта муштарақ иш олиб боришнинг натижасынан.

Халқа мансур, ўз ишининг күзини биладиган, ҳалол, тұғрısız хизматчилар орамизда жуда күпчилекни ташкил қиласы, аммо шоли курмаксиз бўлмагани каби, милиция номини булғаб, унга дөг туширадиганлар ҳам учраб туради. Бунақа ходимларга орамизда жой бўлмаслиги лозим. Ўз вазифасини эплай олмай, нонини ҳалол қилиб олмаётгандарни аниклаб, орамиздан йўқотишга ҳаракат қиласи. Шунинг учун одамлар ҳам ўзлари билган ана шундай нобакор хизматчилар хакида бизга маълум қилсалар, вактида тузатишга ёрдам берган бўлар эдилар.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: халқ ҳамиша милицияни ўзининг ҳалоскори, химоячиси деб билади, унга

ишонади, унга суюнади, лекин милиция формасини кийган битта ходимдан ҳақли равиша норози бўлиб, ноҳаклини кўрса дили ранжиди, кўнгли ўксинади. Натижада қачон милиция ходимини кўрса ўша нарса ёдига тушиб, ишонч камаяди. Буни мен нима учун гапирайпман? Шунинг учунки, милиция ходимлари кечани тунга улаб, машаққат билан жиноятчини ушлаб, айнина аниклаб судга чиқарса, кўпинча у ерда кам жазо беришади ёки енгил жазо берib озодликка чиқариб юборишиди. Буни кўрган халқ яна кўнгли ўксисиб юради. Агарда суд конунбузарларни халқ орасида, ёки улар яшаётган, жиноят содир қилган жойида суд килганда, эди, жиноятчиларни оқлаш учун бунча одам ўртага туша олмас эди.

Одам ҳаётида хато қилиши мумкин. Билмасдан, ёшлиқ қилиб жиноятга кўл урганларни тушунса бўлади, аммо билиб туриб жиноят килганин кечириш мумкин эмас. Улар деч қачон қайта тарбияланмайдилар. Уларнинг яхши томонга ўзгаришига кафил бўла оладиган ишончи одам бўлсанни уларга енгиллик берса бўлади, деб ўйлайман. Чунки жиноятчига барibir ишонч йўқ, кафил бўлган одамдан талаб қиласа бўлади. Чунки шунда унинг гунохи шу кафил бўлган одам елкасига тушади.

**А. ДАМИНОВ,
Зангиота тумани ИИБ
бошлигининг
ўринбосари, милиция
майори.**

Ҳозирги ўтиш давридан фойдаланаётган қонунбузарлар, жиноятчилар ўз фаолиятларини кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин амалдаги қонунларнинг таъсирчанлиги, ҳәттийлиги ўз натижасини кўрсатмай кўймаяпти. Олиб борилётган тадбирлар натижасыда туман ҳудудида оз бўлсада умумий жиноятчиларнинг камайишлага мевафқа бўлмоқдамиз. Лекин шунга қарамай ҳалқнинг газабини ўзгаётган иқтисолий жабҳадаги жиноятлар содир этилмоқда.

1993 йилнинг 19 февраль куни Жомбай тумани нон комбинати кассири Ҳазрат Ганиев 9900 сўм пулни талонторож қилганини аниқланиб, жиноят иши ўзгатилди. Шу тумандаги Эсондурдине номли жамоа хўжалиги фермаси мудири С. Нормуродов бир тонна омухта емни Ў. Ҳамзаевга 15 минг сўмга пуллаётганди кўлга олинди.

Самарқанд вилоятин савдо идораси омбори мудири А. Исронлов ҳеч қандай

Августда тезкор ҳаракат қилувчи батальон ташкил этилди. Бу иккى тезкор бўлинмани бирлаштириш тўғрисида карор қабул килинган шу йилнинг апрелига қадар уларнинг ҳар бири ўз ҳолиша фаолият кўрсатиб келди. Уларни ягона қўмандонликка бирлаштиришдан қўзланган мақсад икакла бўлинманинг фаолиятидаги бир-бирини тақорлашларни бартараф этиш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, шахсий таркибнинг маҳсус ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш бўлди.

Янгидан ташкил этилган полкнинг ҳаёти ҳақида мухбиримиз полк командири, милиция майори Р. Р. Умиров билан сұхбатлаши.

— Полкни тўлдириш масаласига келсак, бу жараёнамалда якунланди. Ходимларимизнинг кўпчилиги армия хизматидан сўнг дарҳол бизга келган ёш йигитлар эканлиги, кўплари бошлангич тайёргарликдан ўтмаганлиги маълум қийинчиликларни туддирмоқда. Лекин улар аста-секин, гурухлар тарзида бошлангич тайёргарликдан ўтиб, чиниқмоқдалар.

— Бўлинманинг бугунги кунда қандай хизмат вазифаларини бажармоқда?

— Асосий вазифа жуда яққол: республикамиз пойтахтида жамоат тартибини муҳофаза қилиш. Буни қандай амалга ошира бўлади? У ёки бу тумандаги криминоген вазиятнинг қандай лигига борлиқ тезкор резерв сифатида биз милициянинг туман бўлим ва бошқармаларига зарур ёрдам кўрсатмоқдамиз, уларнинг тезкор ва ташки хизматларини ўз йигитларимиз билан кучайтироқдамиз. Шаҳар ИИБнинг патруль-пост хизмати полки билан ўзаро яқындан ҳамкорлик қилиб, айнича тезкор, профилактика ва излаш операцияларини ўтказиш чорига шаҳарга кириш ва ундан чиқиб кетиши асосий йўллари устидан узлуксиз тезкор назоратни амалга оширяпмиз. Бўлинманинг пойтахтга келаётган турли давлатлар раҳбарлари, ҳукумат делегациялари юрадиган йўллар ҳудудидаги тартибни таъминлашда ҳам иштирок этади. Яхши биласизки, кейинги вақтда бундай ташрифлар кўпайди, бинобарин, бизнинг ҳам ишнимиз анчагина ошиди.

— Тошкент кўчаларда оdatдаги милиция формасидан анча фарқ қилувчи кийим кийган баланд бўйли, иччам йигитлар тез-тез кўзга ташланниб қолади...

— Янглишганинг йўқ, улар — бизнинг йигитларимиз. Биз хизматга йигитларни синчилкаб танлаб оламиз, жисмоний ва маҳсус тайёргарликнинг пухта олиб боришини ўз самарасини бермоқда. Бунинг учун зарур шартшароитта эгамиз, ҳам назарий, ҳам амалий машгулотлар Тошкент шаҳар ИИБнинг шу йил очилган, аъло даражада жиҳозланган жанговар ва жисмоний тайёргарлик марказида ўтказилмоқда.

Спорт жиҳатидан энг яхши тайёрланган йигитларни икки ротага йиғдик, улар турли хил қуроллар, қўл жанги усулларни пухта эгаллаш мақсадида якка тартибдаги режа асосида машқ қилмоқдалар. Улардан жиноят хатти-харакатлар нюхоятда кучайтан жойларда, ушонган жиноятчилекка, гайриқонуний равиша гиёҳвандлик моддалари сотилишига қарши курашга доир тадбирларни амалга ошириш чорига фойдаланамиз, ҳозирданоқ фойдалана бошладик ҳам. Полкда каратэ бўйича энг юқори данга эга бўлган қўл жангининг иккита тажрибали йўриқчиси бор, улар машгулотларни ишбайлармонлик билан, ҳеч қандай ён босувлариз олиб боришмоқда, бу эса ўз натижаларини бермоқда.

Формали кийим ҳақида бир-икки оғиз сўз. Бугунги кунда ходимларимиз кийиб юрган форма собиқ Иттифоқ ИИБда бизнинг иқлим шартшароитимизни ҳисобга олган ҳолда тикилган эдди. У жуда қулай, ҳаракатларга монелик қўлмайди, ҳуқуқ бузувчиларни таъкиб қилиш зарурати туғилганда бу нарса айнича муҳимдир. Булардан ташқари бу кийим эстетик нуқтаси назардан олганда ҳам афзаликка эга, у йигитларимизни ички ишлар идоралари ходимларидан қандайдир ажратиб туради. Лекин бугунги кундайдек формали кийим билан таъминлашда қийинчиликларга дуч кела бошладик, зеро у энди марказдан келтирилмаяпти. Энди бу ҳақда ўйлаб, бир қарорга келиш зарур.

— Муаммоларнинг факат шундан иборат бўлмаса керак?

— Тўғри айтаяпсиз, улар етиб ортади. Бинолар борасида

29 сўм, 21-дўкон сотувчиси М. Расулова 22 сўм, 40-дўкон сотувчиси Р. Мирзаев 74 сўм, Жомбай шаҳри "Воситачи" савдо бирлашмасига қарашли 2-дўкон сотувчиси Б. Мўминов эса ҳаридор ҳақидан 1000 сўм ортиқча уриб қолганларни учун жиноят жавобгарликка тортидилар.

Юқорида кўрсатилган мисолларни келтиришдан мақсад туман матлубот жамиятидаги мутасадди ўртоқларни ўз ишига "панжа ортидан" эмас, масъулнинг билан қарашга чақиришдир.

1993 йилнинг бошиданоқ фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш кўйлайиб кетди. 18 марта соат 23 ларда номаълум шахслар Жомбай шаҳар Муқимий кўчаси 7-йилда яшовчи Г. Сатторованинг 4000 сўмлик заёмни, 10.000 сўм пулни, бир жуфт аёллар туғлисини ўғирлашган. 1 Май

кўчаси 27-йилда яшовчи Т. Тўйчиневанинг 6700 сўм пулни ва ҳар хил кийим-кечакларини ўмариб кетишган.

Булардан ташқари савдо нуқталарининг кўпчилиги, омонат биноларда жойлашгани ва қоровуллар хизмати яхши ташкил этилмаганлиги сабабли шу йилнинг 7 дан 8 марта ўтар кечаси номаълум шахслар Томонидан Тошкент кўргонидаги 6-дўкон деворини тешиб, жами 130 сўмлик турли хил молларни ўмариб кетишган. Ҳудди шу кўрнишнинг ўғирлик "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги Сарча қишлоғидаги дўконда ва Жомбай шаҳридаги тиҷорат дўконларида етиб этилган. Бинонинг пастки қисмида спорт зали, отиш машгулотларни жойи мавжуд, устки қисмида эса хизматчилар

катта қийинчиликлар мавжуд. Ҳозир полк наридан-бери мослаштирилган бинода жойлашган, уни сал-пал эпақалаштириш учун бинони тубдан таъмирлаш зарур бўлади. Ҳозирда бинонинг язмини казарма типига келтириб жиҳозлаяпмиз — бу ерда график бўйича бир кеч-кундуз давомида навбатчилик қиладиган роталар жойлашади. Бизга тўғри келувчи бир неча бинони кўз остига олиб қўйдик, лекин уларни ажратиш масаласи шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳал қилинганича йўқ.

Полк ташкил этилганидан сўнг хизматни самарали олиб бориш учун барча зарур нарсалар билан таъминлаш яхшиланади деб умид қиляпмиз. Лекин йигитларимиз мавжуд куч ва воситалар билан ҳам яхши самарадорликка этишмоқдалар.

— Мисол келтиришингиз мумкинми?

— Бунга мисоллар жуда кўп, ҳар бир янги кун бўлинманинг хизмат амалиётини улар билан бойитмоқда. Яқында Чилонзор тумани бўйлаб тунги вақтда патруллик қилиб юрган рота

командири, милиция лейтенанти Р. Наврузов ва милиция катта лейтенанти Б. Худойназаров давлат рақам белгиси бўлмаган енгил машинани текшириш учун тўхтатишган. Ҳайдовчи жуда асабийлашган, маълум бўлишича, бининг сабаби бор экан. Машина салонидан Макаров тўппончаси ва унинг ўқ-дорилари топилди, улар мусодада қилинди.

Яқында юз берган яна бир ҳодисани олайлик. Милиция кичик сержантини Б. Усиров ва оддий милиционерлар Б. Самилов ҳамда К. Ундировлардан иборат навбатчи наряд тунда Юнусобод туманини навбатчилик қилмоқда эди. Бир гаражининг эшиги қия очишиб, ичкаридан шубҳали товушлар эшитилаётгани уларнинг эътиборини тортиди. Вақт ярим тундан ошганда ўз машинасини таъмирладиган бирорта одам топилмаса керак, шу сабабли милиция ходимлари ўйқусизликдан азоб чекаётган кишининг кимлиги билан қизиқидилар, ундан тортиб олинган қўлбola тўппончани экспертиза ўқотар қурол деб топди, бундан ташқари патронлар ҳам мусодада қилинди. Мен тилга олган милиция ходимлари тақдирланди, келтирилган фактлар бўйича терор олиб боришмоқда.

Йигитларимиз кўчада безорилик қилувчи, спиртли ичимлар, гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилувчиларининг аঁчасини ушлаганлар, жиноятларни изи босилиб кетмасдан очишида иштирок этмоқдалар. Баъзан тажриба, билим этишмайди, лекин буларга кейинроқ ҳам эришиш мумкин. Полкда хизмат қилувчиларга кўйилладиган талабалар жуда юқори.

— Таърихиятнинг айни ички ишлар идораларидан бўлнишларнида хизмат қилишини хоҳладиган йигитлар ҳам ёзма, ҳам оғзаки тарзида мурожаат қилмоқдалар. Уларга қандай маслаҳат берасиз?

— Аниқ бизнинг бўлинманинг олсак, биз армияда муддатли хизматни ўтаган, ўрта маълумоти бор, тегиши жисмоний тайёргарликка эга бўлган йигитларни хизматта олмоқдамиз, бунда бўйи камидан 175 сантиметр бўлган йигитларга биринчи навбатда устунлик берилади. Албатта, уларнинг мадданий савиаси, маънавий-ахлоқий сифатларни ҳам текширамиз, бизнинг ишончимизни оқламаганлар (улар жуда оз) билан ўша заҳоти хайрлашамиз. Яна бир гап. Полкимизнинг кўп хизматчилари Тошкентдан ташқарида, унга яқин туманларда истиқомат қилишади, шу сабабли ишга ўз вақтida етиб келишади қийналадилар, бинобарин, бизнинг полкка шаҳарликлар келишса маъбул иш бўларди. Ишга жойлаши ўсусидаги барча масалалар бўйича Паркент (собиқ Генерал Петров) кўчасидаги 215 "а"-ууда жойлашган бўлинманинг кадрлар бўйича гурухига мурожаат қилиш мумкин.

ДУШАНБА**17 МАЙ****ЎЗТВ I**

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Уйгурча альбом". Телефильм.

18.25 "Далаларда акс этар ҳаёт". 18.55 М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблиниң концерти. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Шеърият дафтаридан". Мирпӯлат Мирзаев. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Мустакиллик ва конунчиликни ривожлантириш". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Хотира". Хайтбой Азимий. 22.35 "Мудхиҳ хато". Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 Болалар учун. "Совға". 19.00 "Илак жилоси". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Куриши: тажриба ва муаммолар". 20.30 "Лахза". Хабарлар. 20.45 Нодира Султонова кўйлади.

21.10 "Галати аёл". Бадий фильм. 1-серия. 22.25 "Лахза". Хабарлар. 22.40 "Галати аёл". Бадий фильм. 2-серия.

**ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР
ДИҚКАТГА!**

Профилактика муносабати билан душанба, 17 май куни "Орбита IV" кўрсатувлари соат 14.00 дан бошлаб намойиш этилади.

"ОРБИТА IV"

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтари". 15.15 Мультфильм. 15.30 "440 герц". 16.10 "Технодром". 16.20 "Иқбали кулганда". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Таниш хотанишлар" кўрсатувини таниширади. 17.55 "Гол". 18.25 "Хафтанинг акс-садоси". 18.55 "Россия музейлари олтин ҳалқаси". 19.40 Хайрли тун, кичконтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал премьераси. 15-серия. 20.55 "Спорт унк-энди".

"Янги студия" таниширади:

21.10 "Бомонд". 21.40 "Джемсейш". 22.40 "Таржима ҳол". 22.50 "Монтаж". 23.50 "Мегамикс". Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонги концерт. 8.10 "Усталар дастхати". Михайл Рошчин. 9.05 XX аср кадрда ва кадр ортида. 9.50 "Бола тилидан...". 10.20 "Рек-тайм". 10.50 Ишдан бўш пайтингизда. 11.05 Хонаки экран. "Алиса Мўъжизалар мамлакатида", Бадий фильм (Англия). 12.40 "Дехқонларга тааллукли масала". 13.05 Кундузги сеанс. "Саҳрова йўқолгандар". Бадий фильм. 14.15 "Бутуно Россия манфаати учун". Халқаро музейлар кунига. 14.30 "Американинг ёввойи табиити". Кўп серияли телесериал премьераси (АКШ). 15.00 Янгиликлар. 15.15 "Забетиши". 15.45 Трансрөсэфир. 16.30 "Услуб".

*** 17.00 — 19.05****ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 Душанба куни детектив "Лаки страйк" таниширади. "Торелло судланмоқда", "Криминал ҳодисалар" туркумидан (АКШ). 20.00 "Ҳакиқат онлари".

21.00 Турция телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан сұхбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Элчи бўйрги". 22.10 "Каунтдаун". Оммавий музика янгиликлари.

СЕШАНБА**18 МАЙ****ЎЗТВ I**

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Асрлар оҳангни", "Халқ кўйлари". Телефильмлар. 8.20 "36—38-квадратдаги ҳодиса". Бадий фильм. 9.30 "Қаҳрамон Дадаев". Фильм-концерт. 10.00 Ўкув кўрсатуви. Информатика.

**Зонгори Экранда**

ЭҲМ лар ва улардан фойдаланиш. 11.00 "Ҳамид Сулаймон". Телефильм. 11.30 Ўкув кўрсатуви. Математика. Тақорлаш машқлари. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлар (АКШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида". 18.50 Халқаро Музейлар куни. "Санъат олами". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мутахассис маслаҳати. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Ватан фидойилари". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти "21.30 "Мактуб — кўнгил ойнаси". 22.10 Маъмуржон Тўхтасинов кўйлади. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.30 "Уолт Дисней таниширади". Мультфильмлар тўплами. 19.20 "Фарғонанинг мовий ҳалқаси". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Мусиқали меҳмонхона". 20.25 "Алоқалар ва шартномалар". 21.25 Эълонлар, "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Домисолька". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.25 "Савдо кўприги". 9.55 Мультфильм. 10.10 "Рок-сабок". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Авария". Телевизион бадий фильм. 1-серия. 12.30 Раневскаяини эслаб. Телефильм. 1-фильм. 13.25 Мультфильмлар.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармон кишилар хабарномаси". 14.40 "Банкларнинг бугуни ва эртаси". 15.10 "Ён дафтари". 15.15 Мультфильм. 15.35 К. Дебюси. "Денгиз". Уч симфоник экзис. 16.00 "Стартинайджер". 16.45 "Қандай килиб мұваффақиятта өришиш мүмкін?". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Яхши давр" кўрсатувини таниширади. 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.35 Кинофестиваль арафасида. 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичконтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Мосфильм" киностудиясининг 70 йиллигига. "Пешваз". Бадий фильм. 22.15 "Матбуот-экспресс". 22.30 "Останкино" хит-паради. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар. 24.00 "Охирги император". 00.55 "Авария". Телевизион бадий фильм. 1-серия.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мульти-пульти. 8.05 "Камтариш кулигиниз". Р. Карцев, 9.15 "Ҳакиқат онлари". 10.10 Параллеллар. 10.25 "Услуб". 10.55 Биз севган комедиялар. "Куюнма". Бадий фильм. 12.25 Мульти-пульти. 12.35 "Дехқонларга тааллукли масала". 13.00 "Кечки салон саҳифаларида". 14.30 "Телебиржа". 15.00 Янгиликлар. 15.15 "Рост" студияси. "Бефойда сабоқлар". 15.45 Трансрөсэфир. "Ахвол қалай, Уфа?". 16.30 "Дипломатик қабулда самимий сұхбат".

*******17.00 — 19.15**

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.15 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий

телефильм премьераси. 16.8-серия. 20.05 Ватандошлар. "Тақдирнинг иккимономи".

21.00 Турция телевидениеси. Хабарлар.

21.20 Юлдузлар билан сұхбатда". 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.25 Россия Федерацияси Олий суди залидан. 20.40 Спорт кўрсатуви. 20.45 Криминал хабарлар экрани.

21.00 Түркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан сұхбатда". 21.30 "Осоишталиқ № 9". 22.30 Баскетбол шархи.

"Агар сиз...". 13.35 Драматик актёрлар кўйлади. А. Миронов номидаги кўшиклиар танлови. 14.35 "Бизнес: янги номлар". 14.50 Янгиликлар. 15.05 "Рост" студияси. "Үн беш ёшли капитан". 15.40 "Бизнес ва сиесат". 16.35 "Ютказишсиз ўйин".

23.00 Янгиликлар. 23.35 "Май кунларининг бирида...". Телерадио жамгарма хазиналаридан. 24.00 "Бедорлик". Мусика, шеърият, рангтасвирида авантгард.

24.00 "100 С". Журналистик тафтиш.

*** ДУБЛЬ IV**

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.

7.55 Мульти-пульти. 8.10 "Бизнес ва сиесат". 9.05 Параллеллар. "Россия герби". 9.20 "Сиз яратган бог". 9.50 "Осоишталиқ № 9". 10.50 Ишдан бўш пайтингизда. "Хонаки клуб". 11.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 16.9-серия.

17.00 — 18.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Хонаки экран. "Санта-

Барбара". Кўп серияли бадий

телефильм премьераси 169-серия.

19.40 "Сиз яратган бог". 20.10 Россия

Федерацияси Олий Кенгашининг

сессиясида. 20.25 Россия Федерацияси

Олий суди залидан. 20.40 Спорт

кўрсатуви. 20.45 Криминал хабарлар

екрани.

21.00 Түркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан сұхбатда".

21.30 "Осоишталиқ № 9". 22.30

Баскетбол шархи.

23.00 Янгиликлар. 23.35 "М-трест".

24.00 "100 С". Журналистик тафтиш.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Хонаки экран. "Санта-

Барбара". Кўп серияли бадий

телефильм премьераси 170-серия.

19.40 Россия Федерацияси Олий

Кенгашининг сессиясида. 20.10 "Янги

дивертизмент". 20.40 Россия

Федерацияси Олий суди залидан. 20.50

Спорт кўрсатуви.

21.00 Турция телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан сұхбатда".

21.30 "Мусиқий имтиҳон". 22.30

билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Ён дафтар". 15.10 Эртак хузырида мөхмона. "Сариқ чөмоданчанинг саргузаштлари". Бадий фильм. 16.40 "Янги номлар". Концерт. 16.50 "Иш". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Дүненинг түрт томони" күрсатувини таниширади. 17.45 "Инсон ва конун". 18.15 "03 вагони". 18.45 "Мұйызжалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкінгілділар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Хафтанынг машхур кишиси". 20.40 "КТВ-1" ва "Франс интернасиональ" каналы таниширади. "Мерос қолган ажиналар". Иккиси сериялы детектив бадий фильм. 1-серия (Франция, Испания). 22.15 "Матбуот-экспресс".

"ВИД" таниширади:
22.30 "Сиесий бюро". 23.35 "Музобоз". 00.15 "Авто-шоу". 00.30 "Обоз" майдончаси". Танаффус пайтида (23.00)—Янгиликлар.

ДУБЛЬ IV
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбильармон кишилар даври. 7.55 "Осиев овози-93". 8.20 "Пилигрим". 9.05 "Хали англанмаган коинот". 9.35 Мусиқи үй-тапшырылыш. 10.35 Ишдан бүштік күннен күннеге. 10.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Күп сериялы бадий телевизион. 170-серия. 11.40 "Хайвонот оламида". 12.40 "Дәхқонларга тааллуклы масала". 13.05 "Ижица". 13.35 "Омад күлиб бокканды". 14.35 "Телебиржа". 15.05 Янгиликлар. 15.20 "Рост" студиясы. "Эски тегирмон". 15.50 Спорт күрсатуви. 16.00 Парламент соаты.

17.00—18.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 Жума күнлари Дисней. "Ер сәйрәрасыга юборилған". Бадий фильм. 11-серия. 19.10 Телеэкранда премьера "Келиннинг бахоси". Бадий фильм. "Фредерик Форсайт" телесериали таниширади (Овросиё-TV).

21.00 Турция телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан сұхбатда". 21.25 Александр Дольский күйлайди. 21.50 Россия Федерациясы Олий суди залыдан. 22.00 Стас Намин (Эс-Эн-Си) марказы таниширади: "Сариқ сувости кемаси клуби".

ШАНБА
22 МАЙ
ЎзТВ I
7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Белгиланган курсдан бораяпман". Бадий фильм. 9.25 "Алифбо сабоқлары". 9.55 "Күннек шахарча". Дам олиш күрсатуви. 10.30 "Оламни аэранг". 11.10 "Мерос". Юсуспали Мусаев. 11.40 "Бола дүнени төбратар". 12.20 "Машинасозлик истиқболлары". 12.40 "Цирк. Цирк. Цирк". 13.40 Еш созандалар концерти. 14.10 "Бундкор".

17.55 Күрсатувлар тартиби. 18.00 "Сүнгиги күнгирок". 18.30 "Адолат Акбара раксга тушади". Фильм-концерт. 18.50 "Газалхон ёшлигим". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Республика газеталарининг шархи. 20.00 "Хуш келибсиз!". Манзаралы фильм. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Севги васфи". Лирик концерт. 21.00 "Туркистан" ахбороти. 21.30 "Дүстлик — сархад билмайды". Ўзбекистон ва хинд халқарининг дүстлігінің багишланган видеофильм. 22.05 Хинд бадий фильм. 24.00 Эртаниң күрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КҮРСАТАДИ.

ДУБЛЬ IV
5.45, 7.30, 14.20, 20.20, 23.35 — Күрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталаби гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 "Ишбильармон кишининг шанба топғы". 6.55 Янгиликлар. 7.35 "Спорт имконият". 8.00 "Марафон-15" — кичкінгілділар. 8.25 "Чашмалар". 8.50 "Бумеранг". 9.20 Экологик хроника. 9.35 "Шанба күнги дастан". 10.05 "Тиббиет хамма учун". 10.45 "Эпкін ёзувлар ёки Соня билан Американи излаб". 4-күрсатув. 11.10 "Китобхона".

